



АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИДА ФОРСИЙ
ФЕЪЛИЙ АФФИКСОИДЛИ ЯСАЛМАЛАРНИНГ СТРУКТУР ВА
СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

А.И.Нишанбаева

ТДШУ Эронишунослик ва афғонишунослик
олий мактаби катта ўқитувчиси

Классик форс тили давридаги асарларда феълий ва исмий аффиксоидлар орқали ясалган кўплаб сўзларни кузатишимиз мумкин. Шу жумладан, классик форс тилида “Фоний” тахаллуси билан ижод қилган Алишер Навоий ҳам ўзининг туркий тилдаги асарларида форсий аффиксоидлар қатнашган сўзларни юқори маҳорат билан қўллаган. Шундай асарларидан бири “бешлик”нинг бири – “Фарҳод ва Ширин” достонидир. Алишер Навоий ушбу достонда -انگيز، -آمیز، -پذیر، -دار، -سوز، -کش، -پاش، -ریز، -ریز، -پاش، -کش، -سوز، -دار، -پذیر، -آمیز، -انگیز каби бир қатор феълий аффиксоидлар орқали ясалган сўзлардан фойдаланади ёки модел асосида ўзи янги сўзлар ясади. Бу нарса бир томондан Навоий даврида маданиятимиз муштараклигидан далолат берса, иккинчи томондан аффиксоидлар билан сўз яшаш ўта маҳсулдор ва кенг имкониятларга эгаллигини кўрсатади.

ریز -riz аффиксоиди “тўқувчи” маъносида (1) ريختان rixtan “ағдармоқ”; 2) “сочмоқ”; 3) “ёймоқ”; 4) “ташламоқ”; 5) “ағдарилмоқ”; 6) “сочилмоқ”⁵⁵ феълининг ҳозирги замон негизи).

مگر اول هندویى زاد شکرریز (فرهاد و شیرین، VI/24)

کیشی مونداق بولا آلمای گهرریز

[Kiši mundāq bola ālmay goharriz

Magar ul henduyi zodi šakarriz]

Бу байтда шоир گهرریز goharriz сўзининг “гавҳар тўқувчи”⁵⁶ ва شکرریز šakarriz сўзининг “ширинсўхан”, “оғзидан бол томадиган” мажозий маънода қўллаган. Форс тилидаги манбаларда ушбу сўзларнинг қуйидаги маънолари бор: گهرریز goharriz 1) “гавҳар тўқувчи”; 2) “томчиловчи”⁵⁷. شکرریز šakarriz 1) “шакар тўқувчи”; 2) “қандолатчи”; 3) “яхши гап”; 4) “ёқимли овоз”; 5) “тўйда келин ва куёвнинг устидан сочиладиган нарса”; 6) “хурсандчилик йиғиси”⁵⁸. Шоир شکرریز šakarriz сўзини янги маъносида қўллаган.

پاش -pāš аффиксоиди “сочилган”, “сочувчи” маъносида (1) پاشیدن pāšidan “сочмоқ”; 2) “сепмоқ”; 3) “тўкмоқ”⁵⁹ феълининг ҳозирги замон негизи).

خراج ملک یوق کیم ریزه گوهر (فرهاد و شیرین، VI/41)

نیلی دریائش اوزی پاکیزه گوهر

[Tili durpāš ozi pākiza gavhar

⁵⁵ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 3. ص. 1702.

⁵⁶ Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т.: “ФАН”, 1993. –Б.63.

⁵⁷ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 3. ص. 3483.

⁵⁸ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 2. ص. 2060.

⁵⁹ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 1. ص. 665.



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Xiroji mulk yoq kim reza gavhar]

Бунда درپاش durpāš сўзи “дур сочувчи”, яъни “оғзидан чиққан ҳар бир сўзи қимматбаҳо дур каби” маъносида қўлланилган.

انینگ بو گنجیدین تاپمای کیشی کام نیچوک کیم گنج پاش گنجه آرام (فرهاد و شیرین، VI/9)

[Aning bu ganjidin tāpmaı kiši kām

Nečuk kim ganjprāši Ganja ārām]

Ушбу байтдаги گنج پاش ganjprāš – шоир томонидан модел асосида ясалган ва “хазина сочувчи”⁶⁰, яъни “қимматли фикрлар баён қилувчи” (Низомий Ганжавий ҳақида) маъносида қўлланилган сўздир.

کاش -kaš аффиксоиди “тортувчи” маъносида (1) “давом эттирмак”, “чўзмак”; 2) “тортмак”; 3) “ром қилмак”; 4) “олиб бормак”; 5) “азобланмак”; 6) “рўйхатга олмак”; 7) “расм солмак”; 8) “ўлчамак”; 9) “ичмак”; 10) “чиқармак”; 11) “бермак (ҳадя)”; 12) “сурмак”; 13) “солмак (овқат)”; 14) “ёймак”; 15) “чекмак (сигарет)”; 16) “бормак”⁶¹ феълининг ҳозирги замон негизи).

اگرچه نظمی دلکش توشسا مسموع انینگ افسانه سی هم بولسه مطبوع (فرهاد و شیرین، IX/26)

[Agarči nazmi dilkaš tušsa masmu’

Aning afsānasi ham bolsa matbu’]

Бу байтдаги دلکش dilkaš “дилни тортувчи”, яъни “ёқимли” маъносида қўлланилган, аммо Ҳасанов Б. луғатида бу сўз учрамайди. Форсий манбаларда қуйидаги маънолар берилган: 1) “дилни тортувчи”; 2) “ром қилувчи”; 3) “чиройли ва яхши сифат”; 4) “жаззоб”; 5) “ёқимли”, “севимли”⁶².

Булардан ташқари قلمکش qalamkaš (VI/0) “ёзувчи, котиб”⁶³ ва سرکش sarkaš (X/6) “бебош, ўжар” каби کاش -kaš га тугайдиган сўзлар учрайди. Уларни аффиксоидларга киритиб бўлмайдими, чунки улар قلم کشیدن qalam kašidan “ёзмак” ва سر کشیدن sar kašidan “бош тортмак” қўшма феълларининг ҳозирги замон негизи отлашиб келишидан ҳосил бўлганлар⁶⁴.

آمیز -āmiz аффиксоиди “...га ўхшаш” маъносида (1) “аралаштирмак”; 2) “бўямак”; 3) “аралашмак”; 4) “мулоқот қилмак”; 5) “яшамок (аёллар билан)”; 6) “кўникмак (кимгадир)”; 7) “боғланмак”⁶⁵ феълининг ҳозирги замон негизи).

سمن برگینی قیلدینگ سنبل آمیز

چو سین موندین بورون خامنگ قیلیب تیز

(فرهاد و شیرین، VIII/47)

[Ču sen mundin burun xāmang qilib tez

⁶⁰ Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т.: “ФАН”, 1993. –Б.63.

⁶¹ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 3. ص. 2994.

⁶² دهخدا علی اکبر. لغتنامه. تهران، 1879-1955. جلد 7. ص. 9717.

⁶³ Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т.: “ФАН”, 1993. –Б.343.

⁶⁴ Бу ҳақда қаранг: Нишанбаева А. Форс тилидаги феъллий яримаффикслар ва сўз ясовчи морфема орасидаги фарқни аниқлаш муаммолари// “Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси” илмий тўплами, №4. –Т.: 2013. –Б. 72-75.

⁶⁵ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 1. ص. 93.





Suman bargini qilding sunbulāimiz]

Бу байтдаги سنبل آميز sunbulāimiz сўзи ҳеч бир луғатда келтирилмаган. Форсча луғатларда келтирилмаганлиги ушбу сўз шоир томонидан ясалган сўз эканлигидан далолат беради, шунингдек, Навоий бу сўзни “қорайтирдинг” маъносида қўллайди. Яъни “суман барги” – “оқ сариқ қоғоз ранги”ни “сунбул”, яъни “соч зулфидай” қорайтирдинг, демоқчи.

افکن -afkan аффиксоиди “олиб ташловчи” маъносида (افکنند afkandan 1) “ташламоқ”; 2) “ёймоқ”; 3) “чиқармоқ (ҳисобдан)”⁶⁶ феълининг ҳозирги замон негизи).

بو کان قازماغنی اول کیم قیلدی پیشه کیراک خارافکن ایلیکی داتیشه (فرهاد و شیرین، VIII/65)

[Bu kān qāzmāyni ulkim qildi peša

Kerak xārāafkan ilgida teša]

Бу ердаги خارافکن xārāafkan сўзи “қоя қазувчи, тош қазувчи” маъносида талқин қилинади. Аммо форс тилида бундай сўз луғатларда учрамади. Демак, шоир бу сўзни модел асосида янги маъно билан ҳосил қилган.

Юқорида таҳлил қилинган Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги аффиксоидлар орқали ясалган сўзлар шундан далолат берадики, форс тилидаги ҳозирги замон феъл негизидан ясалган аффиксоидлар ўта маҳсулдор сўз яшаш ҳисобланади. Баъзи феълларнинг ҳозирги замон негизидан ясалган янги сўзлар шу моделдаги янги сўзлар яшаш учун очиқ ҳисобланади: سنبل آميز xārāafkan, sunbulāimiz каби. Достонда форс тилида учрамайдиган янги сўзлар ясалиши Навоийнинг форс тилини ва сўз яшаш усулларини мукамал билишидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нишанбаева А. Форс тилидаги феълий яримаффикслар ва сўз ясовчи морфема орасидаги фарқни аниқлаш муаммолари// “Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси” илмий тўплами, №4. –Т.: 2013. –Б. 72-75.

2. Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т.: “ФАН”, 1993.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. دهخدا علی اکبر. لغتنامه. تهران، 1955-1879

2. معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371

3. Навоий А. Хамса. Фарҳод ва Ширин. Танқидий текст. Тайёрловчи П.Шамсиев. –Т.: 1963.

⁶⁶ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 1. ص. 319.